Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ ВА МЎЙНАЧИЛИК СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

чарм-пойабзал, мўйна, қоракўл маҳсулотлари ҳамда жундан ишланган буюмлар сегментларида ички ва ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини тизимли равишда олиб бориш, тармоқларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш, моделлаштириш ва брендлаш бўйича энг янги инновацион ишланмалардан фойдаланган ҳолда, хом ашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг замонавий услубларини, шунингдек, илғор ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини кенг жорий этиш;

малакали кадрлар тайёрлаш ва тармоқнинг илмий салоҳиятини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни хом ашё ва материалларнинг экологик тоза турларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш, таълим ва фаннинг ўзаро интеграцияси учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

Уюшма аъзолари — ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида, шунингдек, судларда ишларни кўришда ҳимоя қилиш.

2. Белгилансинки, Уюшма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси таркибига киради.

3. Қуйидагилар:

"Ўзчармсаноат" уюшмасининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 54 бирликдан иборат ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

бошқарув ходимларининг чекланган сони 4 бирликдан иборат "Ўзчармсаноат" уюшмаси ҳудудий бўлимининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки:

Уюшма раиси зарурат бўлганда Уюшма аъзолари умумий йиғилиши билан келишилган ҳолда ижро этувчи аппарат ва ҳудудий бўлимлар тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга;

Уюшмани сақлаш ва фаолиятини молиялаштириш унинг таркибига кирадиган ташкилотларнинг ихтиёрий ажратмалари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. 2018 йил 1 июндан йирик ва майда шохли моллар, тери, мўйна, қоракўл хом ашёси ва жунни юридик шахсларга сотишда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш бўйича талаб бекор қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 августдан:

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали чармни (ТИФ ТН бўйича 4104-4107, 4112 00 000 0 — 4114 кодлари) олиб чиқишга рухсатнома бериш Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан Давлат божхона қўмитаси ва Уюшма билан келишилган ҳолда нарх экспертизаси ва лаборатория текширувларини ўтказган ҳолда амалга оширилади;

чармни лаборатория текширувларидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан аккредитация қилинган органлар томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали яримтайёр чармни (ТИФ ТН бўйича 4104, 4105, 41062 кодлари) олиб чиқишга рухсатнома бериш учун экспорт қилинадиган маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Уюшма Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига нарх экспертизаси ва лаборатория текширувлари ўтказишни назарда тутган ҳолда, Чармни олиб чиқишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин.

6. Уюшма, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг "Ўзчармсаноат" уюшмасининг чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш ва қуйидагиларни унинг асосий манбалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали яримтайёр чармни (ТИФ ТН бўйича 4104, 4105, 41062 кодлари) олиб чиқишга рухсатнома бериш учун ундириладиган йиғимдан тушадиган барча маблағлар;

Уюшма аъзолари — ташкилотларнинг, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва кредитлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан даромадлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари қуйидагилар учун фойдаланилади:

яримтайёр чармдан — тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ ишлаб чиқариш циклига ихтисослаштириладиган ташкилотларни кейинчалик қайтариш шарти билан маблағ ажратиш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш;

тижорат банкларининг чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйна, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, фаолият юритаётган корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган кредитлари бўйича кафилликлар бериш;

корхоналарда ISO:9001 сифат менежменти тизимини ва бошқа халқаро стандартларни жорий этиш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, жумладан, ёш мутахассисларнинг хорижда ўқиши ва стажировка ўташи билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

Уюшма аъзолари — ташкилотларнинг халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этишдаги харажатларини қоплаш;

Уюшманинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Уюшма ижро этувчи аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш, Уюшманинг хорижий ваколатхоналарини сақлаш ва хорижий маслаҳатчилар харажатларини қоплаш;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа мақсадлар.

Уюшма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин, унда ҳар йили даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқланишини, шунингдек, Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан, яримтайёр чармни экспорт қилишда ундириладиган йиғим маблағларидан фойдаланиш қисми бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан назорат олиб борилишини назарда тутсин.

8. Белгилансинки, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни ҳисоблашда юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган базаси Жамғармага киритилган ихтиёрий ажратмалар миқдорига камайтирилади.

9. Уюшма аъзолари — ташкилотларга 2023 йил 1 январга қадар муддатда қуйидаги кўринишдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилсин:

фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, Уюшма аъзолари — ташкилотлар томонидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитура учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этиш;

юқоридаги тасдиқланадиган рўйхатларга киритилмаган, ўз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашни 60 кунга қадар муддатга кечиктириш.

10. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 9-бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар фақат қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

замонавий автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган чорва молларини сўйиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларга;

чарм, мўйна, қоракўл хом ашёси ва жунни йиғиш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга, кейинчалик ушбу хом ашё қайта ишлаш (ишлатиш) учун фақат Уюшма аъзолари — ташкилотларга сотилганида ҳамда ялпи тушумнинг умумий ҳажмида ушбу турдаги фаолиятдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври натижалари бўйича камида 80 фоизни ташкил қилганда;

чарм, мўйна, қоракўл хом ашёси ва жунни қайта ишлаш, шунингдек, бутловчи буюмлар, фурнитура, сунъий чарм, чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширадиган ташкилотларга, агар ялпи тушумнинг умумий ҳажмида ушбу турдаги фаолиятдан тушган тушумнинг улуши ҳисобот даври натижалари бўйича камида 60 фоизни ташкил қилса.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Уюшма ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Уюшма аъзолари умумий йиғилишининг "Ўзчармимпэкс" унитар корхонасини (кейинги ўринларда — "Ўзчармимпэкс" УК) ташкил этиш ва қуйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

реклама тадбирлари ва кўргазмалар ўтказиш, шунингдек, Уюшма аъзолари — ташкилотларга маркетинг, ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатиш ҳисобига чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотлар экспортини ташкил этиш;

чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган маҳсулотларни комиссия шартномалари бўйича ва хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари асосида, шунингдек, хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали экспорт қилиш;

тармоқ ташкилотларига технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар, аксессуарлар, фурнитура, пойабзал қолиплари ва бошқа буюмлар етказишда, жумладан, импорт қилишда кўмаклашиш.

"Ўзчармимпэкс" УКга нисбатан мазкур қарорда назарда тутилган, Уюшма аъзолари — ташкилотларга бериладиган имтиёзлар ва преференциялар татбиқ этилсин.

12. Уюшма Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур соҳадаги илғор тажрибани ва мақсадли экспорт бозорларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёр чарм-пойабзал, мўйначилик ва қоракўл маҳсулотларини маркировка қилиш тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Тижорат банкларига замонавий автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган чорва молларини сўйиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларга айланма маблағларини тўлдириш, шунингдек, тайёрлов ташкилотларига чарм, мўйна, қоракўл хом ашёси ва жунни йиғиш ва тайёрлаш учун қулай фоиз ставкалари бўйича кредит маблағларини ажратиш тавсия этилсин.

14. Махфий.

15. Уюшма икки ҳафта муддатда "Чарм ва пойабзал дизайни маркази" шўъба корхонаси фаолиятини танқидий баҳолаш асосида унинг иш самарадорлигини ошириш, энг аввало, мода индустриясидаги ўзгаришларга тез таъсир чораларини кўриш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш, хорижий мода уйлари, мўйначилик аукционлари ва пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотлари ва жундан ишланган буюмларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган қатор маҳсулот моделлари дизайнини яхшилаш ва турларини кенгайтириш учун хорижий модельерлар, дизайнерлар ва фэшн-экспертларни жалб этиш масалалари бўйича аниқ чоралар кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Уюшманинг буюртмалари бўйича Уюшма таклиф этаётган хорижий мутахассислар ва кўргазмаларнинг хорижий иштирокчиларига кириш визалари консуллик йиғимлари ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин, ҳақиқий харажатларни қоплаш йиғимлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Уюшманинг буюртмалари бўйича Уюшмага жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари расмийлаштирилиши, берилиши ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, вақтинча прописка қилиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олиниши ва уларнинг узайтирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Уюшманинг буюртмалари бўйича Уюшмага юклатилган вазифаларни бажариш учун республикага юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этишга рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, жалб қилинаётган хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

17. Уюшма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти тузилмасида Чарм-пойабзал соҳаси муҳандис-техник ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув марказини ташкил этиш;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида "Чарм ва мўйнадан ишланган маҳсулотлар технологияси ва уларни яратиш", "Технологиялар ва ускуналар: чарм ва мўйна, қоракўл", "Технологиялар ва ускуналар: пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари" таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш;

чарм-пойабзал, мўйначилик, қоракўлчилик тармоқлари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича мавжуд касб-ҳунар коллежларини қайта ихтисослаштириш ва янги йўналишларни очиш орқали ҳудудий ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларини ташкил қилиш;

ўқувчиларнинг ўқиш мобайнида олинган амалий ва назарий билимларини мустаҳкамлаш учун ўқув амалиёти дастурларига мувофиқ Уюшма аъзолари — ташкилотларда мажбурий стажировка ўташ амалиётини жорий этиш;

таълим муассасаларида соҳанинг юқори малакали мутахассислари томонидан махсус фанлар ҳамда чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоқларининг долзарб масалалари бўйича машғулотлар ўтказишни, маърузалар ўқишни (жумладан, соатбай тўлов шартларида) жорий этиш юзасидан таклифлар киритсин.

18. Уюшма Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 3 май

# ОДАМЛАРНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ, БАРЧА СОҲАЛАРДА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борада Наманган вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз кўрсатмалари асосида Тўрақўрғон тумани "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2 миллиард 250 миллион сўм эвазига 10-мактабгача таълим муассасаси барпо этилди. Исҳоқхон Ибрат мажмуаси ёнида жойлашган ушбу боғчада болажонлар таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилган. Жорий йилда боғчага 200 болани қабул қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига боғчада ўтказилаётган машғулотлар жараёни, яратилган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳар давлат хизматлари марказида бўлди. Марказга "Карбонам" МЧЖ тасарруфидаги фойдаланилмай турган тўрт қаватли бино ажратилган. 15 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Марказда электрон навбат тизими жорий этилган бўлиб, кунига 800 дан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларга 50 дан зиёд давлат хизматлари кўрсатилади. Бу ерда Халқ қабулхонаси, нотариал идора, ФҲДЁ, паспорт бўлимлари, суғурта, кадастр, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш хизматлари, банк шохобчаси жойлашган. Тез тиббий ёрдам хизмати, болалар майдончаси, кафе ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари марказдаги шарт-шароитлар билан танишди, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш жараёнини бевосита кузатди. Ушбу гувоҳномаларга микрочип ўрнатилган бўлиб, шахснинг паспорт маълумотлари киритилади. Паспорт бўлмаганда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ўрнига ўтади.

— Биз бу хизматни нима учун ташкил қилдик? Адолат бузилмаслиги, коррупция бўлмаслиги, одамлар қийналмаслиги учун, — деди Президентимиз. — Ушбу муассаса давлат хизматлари марказлари фаолиятини ташкил этишнинг Наманган тажрибаси, одамлар билан мулоқотнинг янги намунаси бўлади. Энг катта ютуғимиз бундай идораларда энди фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади.

Муассасанинг учинчи қаватида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бўлими ҳамда Наманган инновация маркази фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз хотин-қизларни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш борасида Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази олдида турган масалаларга эътибор қаратди. Вилоятнинг ҳар бир тумани кесимида оилаларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш, хотин-қизлар бандлиги, тиббий маданияти бўйича таҳлиллар олиб бориш зарурлигини таъкидлади.

— Хотин-қизлар қўмиталари вакиллари энди йиғилишма-йиғилиш юрмайди, ўз участкасидаги аёллар муаммолари билан шуғулланади. Бу соҳадаги энг катта иллат — хотин-қизлар қўмиталари ўз ортидан ҳеч кимни эргаштиролмайди. Бунга барҳам берилсагина жамиятимизда маънавий муҳит ўзгаради, хотин-қизлар муаммолари камаяди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хотин-қизлар ишсизлигининг олдини олиш, кўрсатилаётган тиббий хизматни, уй-жой шароитини яхшилаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Наманган шаҳар ва 11 туман бўлимига "Spark" автомобиллари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 сентябрдаги "Наманган шаҳрида замонавий маданият ва истироҳат боғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида улкан истироҳат боғи барпо этилмоқда. Мазкур мажмуанинг тамал тоши Президентимизнинг ўтган йил Наманган вилоятига ташрифи чоғида қўйилган эди.

"Наманган истиқлол боғи"ни ташкил этиш лойиҳасида маҳаллий аҳоли ва вилоят меҳмонлари, хусусан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қиладиган инфратузилма объектлари кўзда тутилган. 110 гектар майдонни қамраб олган боғда очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзаси, министадион, муз саройи, тўрт юлдузли меҳмонхона, йирик аттракционлар, эртаклар шаҳарчаси, савдо мажмуалари, кутубхона, интернет кафе, боулинг ва фитнес клублари, кўп қаватли замонавий автотураргоҳ, ҳунармандлар маркази, амфитеатр, аквапарк жойлашади. Ўзига хос ландшафтга эга ҳудудга ноёб манзарали дарахт ва гуллар экилиб, ботаника боғи яратилади.

Туркиянинг "DOME+PARTNERS" компанияси лойиҳаси асосида қурилаётган мажмуанинг умумий қиймати 12 миллион доллар ва 116 миллиард сўмни ташкил этади. 2019 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган боғда 1 минг 500 га яқин иш ўринлари яратилади. У йилига 100 минг кишига хизмат кўрсатади.

Айни пайтда бу ерда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарига маданият ва истироҳат боғида қурилиши режалаштирилаётган "Ўн бир Аҳмад" масжиди, Гулистон даҳасида бунёд этилиши мўлжалланган "Namangan City", Поп туманидаги замонавий савдо мажмуаси ва "Pop eco park", Наманган шаҳар канализация тизимларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш каби лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимиз нафақат вилоят, балки мамлакатимизда қиёси йўқ бўладиган мазкур мажмуани сифатли барпо этиш бўйича зарур тавсиялар берди. Боққа "Afsona Land" номини беришни таклиф этди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига сафари ниҳоясига етди. Ташриф давомида ютуқлар билан бирга, қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги қайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилди. Бу одамларнинг оғирини енгил қилиш, ҳар бир соҳада адолатни таъминлаш, ҳудудларни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**



*Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари қуйи палата мажлисида иккинчи ҳамда учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрланмоқда.*

# Жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қисқартириш назарда тутилмоқда

Хусусан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қисқартиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси мутахассислар, экспертлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида ташкил этилаётган ишчи гуруҳи йиғилишларида иккинчи ўқишга тайёрланаяпти.

— Жиноий жавобгарликдан озод қилиш, бу — ваколатли давлат органининг судлов ёки айбловни бекор қилиш, шунингдек, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат мажбурлов чорасини қўллашни бекор қилиш ҳақидаги актдир, — дейди мазкур қўмита аъзоси Шерзод Тўхташев. — Таклиф этилаётган лойиҳага мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилинган кундан бошлаб — 2 йил, унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — 4 йил, оғир жиноят содир қилинган кундан бошлаб — 8 йил, ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб (ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно) — 14 йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланмоқда.

Ваҳолонки, амалдаги Жиноят кодексининг 64-моддаси 1-қисмига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — 3 йил, унча оғир бўлмаган жиноят содир қилинган кундан бошлаб — 5 йил, оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — 10 йил, ўта оғир жиноят содир қилинган кундан бошлаб (ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно) — 15 йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод этилиши мустаҳкамланган.

Ишчи гуруҳи йиғилишларида мазкур йўналишдаги хорижнинг илғор тажрибалари назариётчи олимлар ва амалиётдаги мутахассислар билан кенг таҳлил қилинмоқда.

— Яна бир муҳим жиҳати, — дейди ушбу қўмита раиси ўринбосари Тўлқин Абдусатторов, — Жиноят кодексининг 64-моддаси 5-қисмига кўра, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб 25 йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган. Яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир қилиб, қидирувда бўлган шахслар оғир ҳамда ўта оғир жиноят содир этиб, тергов ва суддан яширинган шахслар билан тенг равишда жиноий таъқиб қилинади. Лойиҳа билан мазкур қисм ўзгартирилиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб 10 йил, оғир ва ўта оғир жиноят содир қилинган кундан бошлаб 25 йил ўтган бўлса, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси муҳокамалари давом этмоқда.

**Зиёда АШУРОВА.**

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

*"Худо бандасининг раҳмини еймаи, деса, урушга ҳам қарамас экан, кейин уни кераклн одамга дуч қилиб қўяркан", дерди отам. Бир гал Иккинчи жаҳон уруши ҳақида гап кетганида, шунга яқин воқеани ҳаяжон билан ҳикоя қилиб бергани кечагидек ёдимда.*

# ИВАНБОЙ ДЎХТИРНИНГ ЯХШИЛИГИ

...**1943** йилнинг изғиринли январи. Бир йўла икки жойим — бўйин ва чап қўлимдан яраланиб, госпиталга тушдим. Мени даволаган, серка соқолию қошлари оқарган, ёши кексароқ кўзойнакли дўхтир Иван Иванович, нимагадир, оғир касаллар кўп бўлишига қарамасдан, нуқул мен билан гурунглашгани келаверарди. Яраларим битиб, охирги муолажалар ҳам тугай-тугай, деб қолганда, ҳужжат-қоғозларимни синчковлик билан кўздан кечираркан, соф ўзимизнинг тилда: "Қаердан бўласан?" деб сўраганида ҳангу манг бўлиб қолдим. "Бухоро вилоятидан", деб жавоб бердим. У пайтларда Сурхондарёмиз Бухорога қарарди-да. "Бухороданлигингни билиб турибман, Бухоронинг қаеридансан?" деб яна савол берди. "Сариосиёдан" деганимни биламан, соқоли селкиллаб, кўзойнагининг устидан кўзларини катта-катта очиб, синчковлик билан қаради, кейин "Сариосиёнинг қаеридан бўласан?" деди...

Ажабландим, чини билан ажабтовур ҳолат эди-да. Ахир қирғинбарот уруш бўлаётган бир жойда, қўли ёки оёғи кесилган аскарлар "оҳ-воҳ" чекиб, инграб-синграб ётган, қолган ярадорлар ҳам анграйиб қараб турган госпиталда ҳарбий дўхтир, устига-устак, ўрис киши — Иван Ивановичнинг мен билан ўз она тилимда бемалол савол-жавоб қилиб туриши, ҳақиқатан ҳам, ғалати, кутилмаган ҳол эди.

"Кундажувоз" деганимни биламан, дўхтирнинг юзи бирданига ёришиб, кўзи чақнаб кетди. Кейин ўрисчалаб "Сафара Касирова знаешь?", "Абдукарима знаешь?", "Мамасайида знаешь?", "Зивар, Киштўд, Муллу Ишанкула знаешь", деб қаторасига сўраб кетди. Азбаройи Худо, Каламулло ҳақи, мазам қочиб, довдираб қолдим...

> **Я**раларим битиб, охирги муолажалар ҳам тугай-тугай деб қолганда, ҳужжат-қоғозларимни синчковлик билан кўздан кечираркан, соф ўзимизнинг тилда: "Қаердан бўласан?" деб сўраганида ҳангу манг бўлиб қолдим.

Отам Иван Ивановичнинг ногаҳоний саволларидан қанчалик ҳайратга тушган, таажжубланган бўлса, ана шундай завқ-шавқ билан ҳикоя қиларкан, кўзлари беихтиёр ёшланарди. Сўнгра "Ҳозир борми-йўқми, билмайман", дея Иван бобонинг ҳақига дуолар қиларди. Орқасидан "Қўйинглар шу гурунгни, урушнинг уйи куйсин", деб гапни бошқа ёққа буриб юборарди.

Отам кейинчалик шуни биладики, Иванович, яъни Иванбой дўхтир урушдан олдин бир неча йил Ҳисорак, Кундажувоз, Хўжасиддиқ, Зевар ва Киштўд сингари тоғ қишлоқларида мол дўхтири бўлиб ишлаган, шу ерлик аҳоли билан эл бўлиб, қариндошлашиб кетган экан. Раис Сафар Касир бова, Қурвали мерган, амакимиз Мамасайид боболаримизни ҳам яхши эсларкан. Зевар, Хўжасиддиқдан қайтаётганда, бир-икки марта бобомнинг уйига кириб, меҳмон бўлган ва чой-тузини ичган экан.

Буни қаранг, нон-туз ҳурмати, одамгарчилик ҳақи ўшанда Иванбой дўхтир отамга бир ойлик муддат билан рухсатнома — таътил ёзиб берибди. Шу боис урушдан гап кетган гурунгларда отам "Мен 1943 йилда отпускага келганимда..." дея эслагани заҳоти Сафар Касир бова дарров гулдураган овозда "Ҳа-а, Иван дўхтир бўлмаганда, отпускага келардинг-а! Иванбойга раҳмат айт сен, у бўлмаганда, кўрардим, келармидинг", дея ҳазилнамо сўз қотар эди.

...Ўша гурунгларга қирқ-эллик йил бўлганига қарамасдан, ҳозир ҳам уруш ҳақидаги киноларда ярадорларга қараётган чўққисоқол, кўзойнакли ҳарбий дўхтирларни кўрсам, бобомнинг нону тузини тотган, отамга яхшилик қилган, шу билан, билмадим, неча-неча ўлимлардан олиб қолган қадрдон ва меҳрибон инсон, оқибатли дўхтир Иван Иванович — Иванбойнинг истарали қиёфаси кўз олдимга келиб, дийдаларимда беихтиёр ёш қалқийди.

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# Эътибор ва эъзоздан диллар шод

*Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилоятидаги барча уруш ҳамда меҳнат фахрийсига юксак эътибор ва рағбат кўрсатилмоқда.*

**В**илоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев Марғилон ва Фарғона шаҳридаги бир гуруҳ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хонадонларига ташриф буюриб, самимий суҳбат жараёнида фахрийларга Президентимиз номидан 5 миллион сўмдан пул мукофоти ҳамда эсдалик совғаларни тантанали равишда топширди.

Фарғона шаҳридаги Машъал маҳалласида яшовчи 92 ёшли Вера Вяльсева уни йўқлаб келган меҳмонларга уруш йилларида Ленинград қамалида бошидан ўтказган қийинчиликларни сўзлаб берди. Ҳар куни, ҳар нафасда давлатимиз, маҳалла фаоллари ва оила аъзоларининг меҳрини ҳис этиб яшаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Фарғона шаҳрининг "Лолазор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 193-кўп қаватли уйнинг 41-хонадони ўтган йили Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 95 ёшли Қурбон ота Сатторовга совға сифатида берилган эди. Мазкур хонадон ҳамиша меҳмонлар билан гавжум. Шу куни уруш йилларида машҳур бўлган куй-қўшиқлар билан хонадонга ташриф буюрган кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирокида мароқли суҳбат бўлиб ўтди.

— Эътибор ва эъзоздан жудаям миннатдорман, — дейди хонадон соҳиби. — Бундай ҳурмат-иззат туфайли умримизга умр қўшилиб, узоқ яшаяпмиз.

Қўқон шаҳридаги Олой кўчасида яшовчи 96 ёшли Рўзмат ота Рашидов уруш йилларида ҳаво ҳужумидан ҳимоя қўшинлари сафида мардонавор жанг қилган. Кўкси тўла орден-медаллар билан юртга қайтган қаҳрамон 25 йил ички ишлар идораларида самарали фаолият кўрсатди. Турмуш ўртоғи Саломатхон ая Рашидова билан 5 ўғил, 2 қизни тарбиялаб, бугунги кунда набира ва эваралар ардоғида дориламон кунлар шукронаси билан яшамоқда.

— Ёшлигимиз қийинчиликда кечган бўлса, шукрки, кексаликда роҳату фароғат кўраяпмиз, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Рўзмат ота. — Ўтган йили ўғлим ҳамроҳлигида муборак Ҳаж зиёратига бориб келдим, имтиёзли равишда ўзимизда ишлаб чиқарилган янги автомашина сотиб олдик. Давлатимиз раҳбарининг ўтган ойдаги Фармонига кўра, 5 миллион сўмдан пул ажратилгани, ўзимиз урушда қатнашган шаҳарларни бориб кўриш, санаторий-курортларда дам олиш учун имтиёзли йўлланмалар тақдим этилишини эшитиб, ғоят хурсанд бўлдим. Шу кунларга етказганига шукр!

Айни кунларда Фарғона вилоятининг барча ҳудудида уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром тадбирлари давом этмоқда.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки

«ONLINE КОНВЕРСИЯ»

хизматини таклиф этади.



Банкнинг сўм пластик карточкаси эгалари ўз маблағларини «online» режимида хорижий валютага конвертация қилиш орқали халқаро пластик карточкага ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.

Конвертация «ASAKA MOBILE» мобиль иловаси орқали амалга оширилади.

Шу билан бирга, фойдаланувчилар «ASAKA MOBILE» мобиль иловаси орқали қуйидаги имкониятларга эга бўладилар:
— ҳисоб рақам қолдиғи ва пул айланмалари тўғрисида маълумотларни олиш;
— коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни рўёбга чиқариш;
— интернет-провайдерлар ва уяли алоқа хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;
— пластик картадағи маблағларни бошқа пластик карталарга ўтказиш;
— мижознинг омонати ва кредити қолдиғи бўйича маълумотларни олиш;
— кредит ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш;
— банк янгиликлари билан танишиб бориш.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-13-45, 120-39-86, 120-39-81, 120-39-68.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Асака» банки — сизнинг фаровон ҳаётингиз хизматида!



«КРАНЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКА» ЗАВОДИ

KRANTAS



- Юк кўтариш қуввати 16 тоннадан 50 тоннагача бўлган автокранлар;
- Юк кўтариш қуввати 3 тоннадан 16 тоннагача бўлган кран-манипуляторлар;
- Баландликка кўтариш қуввати 11 метрдан 31 метргача бўлган автокўтаргичлар;
- Фургон кузовли юк автомобиллари 3 тоннадан 8 тоннагача;
- Ҳажми 4 дан 16 м³ гача бўлган ёнилғи ташувчи автоцистерналар ва автоёнилғи қуйгичлар;
- Ҳажми 4 дан 12 м³ гача бўлган сув ташиш учун автоцистерналар;
- Вагон-уйчалар;
- 4к4 — 22 ўринли, 6х6 — 26 ўринли вахтали автобуслар;
- Ҳажми 4 дан 9 м³ гача бўлган суғорувчи-ювувчи автоцистерналар (машиналар);
- Ҳажми 6 дан 10 м³ гача бўлган кислота ташувчи автоцистерналар;
- Цистернаси ҳажми 6 дан 8 м³ гача бўлган автогудронаторлар;
- Яримтиркамалар (бортли, тентли-пардали, ёнилғи ташувчи, нефть ташувчи).

ЯНГИ минорали кранлар, кўтариш қуввати — 8 — 12 тонна

Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар к., 1.
Тел./факс: (+99871) 269-15-33, 262-97-78, 262-23-61.
Моб.: (+99890) 315-99-17, 187-52-05, 188-15-33.
E-mail: cst2008@mail.ru, krantas@inbox.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.



## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖга тегишли, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уйда сақланаётган техник ҳолати қониқарли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/942 AEA бўлган «Нексия» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 30 801 000 сўм.**
- 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/481 HAA бўлган «Нексия» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 34 394 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2018 йил 7 июнь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 5 июнь соат 18.00. Юқоридаги автотранспорт воситалари 7 июнь куни сотилмаган тақдирда уларнинг такрорий савдолари 2018 йил 18, 28 июнь, 9 июль кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 18 июндаги савдо учун 15 июнь, 28 июндаги савдо учун 26 июнь, 9 июлдаги савдо учун 6 июль куни соат 18.00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар мулкнинг умумий ҳолатини ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

*Гувоҳнома № 001805.*

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.30 Топширилди — 03.45 1 3 4 5 6